
Ҳоким ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди

Қува туманида ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизими асосида ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида Қува тумани 13-Болалар муסיқа ва санъат мактабида туман ҳокими Халимжон Умаров иштирокида «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди.

Ўтказилган учрашувда 380 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

Очиқ мулоқот тарзда ўтган учрашувда, ёшлар томонидан 46 та таклиф ва мурожаатлар келиб тушди.

Ушбу мурожаатларнинг 23 таси жойида ижобий ҳал этилди, 15 таси кўриб чиқилиш мақсадида назоратга олинди, 8 тасига тушинтириш ишлари олиб борилди.

«Ҳоким ва ёшлар» учрашуви давомида 18 нафар ёшлар етакчиларини, 25 нафар иқтидорли ёшларни, 14 нафар давлат секторида банд ёшлар туман ҳокимининг ташаккурномаси ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

2023-12-20 18:31:20